



ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА КОРАМОЛЛАРНИНГ ЁШИ, ОЗИКЛАНТИРИШ ХИЛИ ВА МЕЪЁРИНИНГ ТАЪСИРИ

Асраев Усман Насирович

қ.х.ф.н (PhD)

Quyunchilik seleksiyasi va genetika markazi


Аннотация: *Инсоннинг жисман камолга етишида ҳамда соғлом турмуш кечиришида гуштнинг урни бекиёсдир. Ушбу мақолада гўшт маҳсулдорлигининг шаклланишида корамолларнинг ёши, озиклантириш хили ва меъёрининг таъсири хақида суз юритилган.*

Калит сузлар: *санта-гертруда зоти, бузоклар, гўшт нимтаси, мускул тўқималари, ёғлар микдори, бурдоки, хашаки лавлаги, маккажўхори силоси, сенаж, кўк ўтлар.*

Молларнинг ўсиши ва семириш таркиби уларнинг ёши, озик- лантириш меъёри, зотининг хусусиятлари ва жинсига боғлиқ ўзгариб боради. Гўштнинг морфологик ва кимёвий таркибида бир йўла ўзгариш пайдо бўлади. Ҳар хил ёшдаги молларнинг гўшт нимталарида мускул, ёғ, суяк ва бириктирувчи тўқималарининг ўзаро салмоғи бир хил бўлмайди. Булар гўшт нимталаридаги тўлиқ қийматли ҳамда тўлиқ қийматига эга бўлмаган оқсиллар ва ёғнинг ўзаро нисбатига таъсирини кўрсатади ҳамда гўштнинг тўйимлик даражаси ўзгаради.

Моллар ёшининг таъсири. Оғиррок вазнда туғилган бузоклар нормал озиклантириш шароитида боқилганда шу зотнинг ўртача вазнида туғилган бузоқларига нисбатан ҳар доим тез ўсади. Бузоқларнинг гўшт нимтаси таркибида катга ёшдаги молларникига нисбатан суяк ва бириктирувчи тўқималар нисбати юқори. Ўсиш жараёнида ёш молларнинг танаси асосан мускул ва суяк тўқималарининг ривожланиши ҳисобидан катгалашади. Уларда 12-15 ойлигига қадар мускул тўқималари жадал ривожланади. Айниқса, биринчи олти ойлигига қадар юқори бўлади. Суяк тўқималари эса нисбатан секинрок ривожланади. Шунинг натижасида молларда 18 ойлигига қадар мускул тўқималарининг нисбий оғирлиги юкорилашади, суякнинг нисбий салмоғи эса пасаяди. Жумладан, янги тугилган бузоқлар гўшт нимталарида мускул-суяк нисбати 2:1 бўлса, катта ёшдаги молларда 3,5-4,5:1 га тенг келади.

Молларнинг ёшига караб, гўшт нимталари морфологик тарки- бининг ўзгариши ҳар бир зотнинг ўзига хос бўлади. Жумладан, симментал зотли молларда унинг ёши кўтарилиши билан суяк ва пайнинг нисбий оғирлиги туғилгандан 12 ойлигига қадар кескин пасаяди, мускул кўрсаткичида бироз кўтарилиш бўлиб, ёғнинг салмоғи 3-4 бараварга ошади. Д.Л.Левантиннинг маълумотларида тқнадаги суякнинг нисбий оғирлиги туғилганда 27,6 фоиздан, 29 ойлигида 16,3 фоизга камайган, мускулнинг нисбий оғирлиги шу даврда 61,7





фоиздан 56,0 фоизгача, пайнинг бу кўрсаткичи 6,1 дан 2,4 фоизгача камайган бўлса, ёғнинг нисбий оғирлиги 4,6 фоиздан 25,3 фоизгача кўтарилган. Ўзбекистондаги санта-гертруда зоти бўйича ўтказилган тажрибаларда кам юқоридаги ўзгаришлар кузатилган.

Моллар ёшининг ўзгаришига мос равишда мускул тўқималарининг кимёвий таркиби ҳам ўзгариб боради. Мускулларда сув миқдори камайиб, курук моддалар миқдори кўпаяди ва бир йўла мускуллар оралиғида ёғлар тўгшанади. Гўштнинг тўйимли қиймати ошади. Мускул тўқималарининг жадал ўсиши натижасида гўштнинг таркибида тўла қийматли оқсиллар миқдори ортади.

Бузоқнинг 6-9 ойлигига қадар гўштидаги ёғларнинг нисбий кўпайиши тўқималарда бўлган сув миқдорининг камайиши ҳисобидан ўтади. Шундан сўнг мол танасида ёғ тез тўпланади. Лекин молларнинг 12-15 ойлигига қадар мускул тўқималарининг ўсиши ёғнинг тўгтланишига нисбатан жадал ўтади. Ш унинг учун ёш моллар 15-16 ойлигида сўйилса, мускул ва ёғ тўқималарининг энг мақбул бўлган нисбатидаги гўштлар олинади.

Молларнинг ёши улғайган сари гўштнинг кимёвий таркиби ўзгариб боради ва кўпинча молларнинг озиклантириш меъёрига боғлиқ бўлади. АҚШнинг Миссурий тажриба станциясининг маълумотига кўра, ёш моллар юқори меъёрда озиклантирилганда уларнинг гўштдаги ёғлар туғилган кунидан то 48 ойлигига қадар 3,64 фоиздан 44,34 фоизгача кўтарилган, оқсилнинг миқдори эса шу даврда 18,25 фоиздан 12,50 фоизгача пасайган.

Бу кўрсаткичлар ўрта меъёрда озиклантирилган молларда тегишлича куйидагича ўзгарган: ёғ миқдори 3,64 дан 24,09 фоизгача, оқсил миқдори эса бир меъёрда (18,25-18,31 фоиз) сақланиб калган. Молларда 18 ойлигидан сўнг модда алмашувининг ўзгариши ва азотнинг тўпланиш сусайиши натижасида оқсилларнинг хосил бўлиш тезлиги ҳамда мускул тўқималарининг ўсиши пасаяди. Бу даврда ёғларнинг тўпланиш тезлиги ошади ва унинг ўта жадал кўпайиши молларни бўрдоқилаш даврида ўтади. Молларни ёшлигиданоқ жадал боқиш ва бўрдоқилаш технологиясида мускул ва ёғ тўқималарининг ўзаро нисбати эрта ва тез ўзгаради. Паст меъёрда озиклантирилганда кечроқ ва секин ўзгаради. Молларда ёшининг улғайиши билан гўшт нимталари ва ички аъзолардаги ёғларнинг тўпланиши тезлашади. Ёғлар нафакт молларнинг ички аъзоларида ва шунингдек, мускуллар оралиғида ҳамда уларнинг ичида, тери остида кўплаб тўпланади. Ахта қилинган новвослар 18 ойлигига қадар сўйилганда, уларнинг ички ёғлари миқдори гўшт нимталаридаги ёғлар миқдорига нисбатан кам чикади. Катта ёшдаги моллар бўрдоқи қилинганда, уларнинг тери ости ва ички ёғларининг жадал тўпланиши сабабли мускул ва толалар оралиғида тўпланган ёғларнинг нисбий миқдори камаяди. Шундай қилиб, моллар ёшининг улғайиб бориши билан суяк ва бириктирувчи тўқималарнинг нисбий миқдори камая боради, мускул ва ёғ тўқималарининг





микдори эса кўпаяди. Бир ёшаргача мускул тўқималарининг ўсиши энг жадал ўтса, 18 ойлигидан сўнг ёғтўқималари тўпланиш жарасни тезлашади.

Озиклантириш хили ва меъёрининг таъсири. Молларнинг тирик вазни, тана тузилиши шакли, семириш даражаси ва морфологик таркиби ҳамда бир килограмм семиришга сарфланадиган озикалар харажати озиклантириш хили ва меъёрига боғлиқ ўзгаради.

Озиклантириш Шароитининг ёмонлашиши, энг аввало, скелет ва тананинг шундай тўқима қисмларига кучли салбий таъсир кўрсатгани боис уларнинг кайси бири жадал ўсиши худди шу озиклантириш даврига тўғри келади. Ёш молларни ўта паст меъёрда тўйимсиз озиклантириш уларнинг ўсишини тўхтатади. Натижада, шу организмда ўтган морфологик ва физиологик ўзгаришларнинг кейинги ўсиш даврларида тикланишига имконият бўлмайди. Озиклантириш шароитининг таш кил этилмаганлиги биринчи навбатда моллар танасининг кет қисмидаги гўшт махсулдорлигини салмокли даражада кўтарадиган мускулларнинг ўсиш тезлигига салбий таъсир кўрсатади. Молларнинг ўсиш ва семириш меъёрини ўта пасай- тириб юборади. Шу боис гўштга топшириш вақги чўзилиб, бир ки- лограмм вазн кўшишига кетадиган озика сарфини кўпайтириб юборади. Гўшт нимталарининг морфологик ва кимёвий таркиби ўта ўзгариб кетади. Мускул ва ёғ тўқималарининг ўсиши суяк ҳамда бириктирувчи тўқималарга нисбатан кўпроқтўхтаб қолади. Натижада моллар сўйилганда паст сифатли ва катта микдордаги суяк ҳамда бириктирувчи тўқималарга эга бўлган гўшт нимталари олинади. Бириктирувчи тўқималар салмоғининг кўпайиши билан гўшт нимталарида тўлиқ қийматга эга бўлмаган оқсилларнинг микдори ортади. Ёш моллар вазни пасайиб кетиши билан гўшт нимталарда- ги мускулларнинг хажми ва ёғ микдори камаяди.

Ёш моллар жадал парваришланганда тирик вазни кўтарилиши билан гўштнинг морфологик таркиби анча ўзгаради. Бундан ташкари, энг сифатли гўшт бўлаklarининг (сон ва биқин) оғирлиги ошади ва лаҳим гўшт микдори кўпаяди. Моллар семизлик даражасининг кўтарилиши билан гўшт нимталаридаги сувнинг нисбий микдори камаяди, курук моддалар салмоғи эса кўпайиб, гўштнинг калориялиги анча ошади (21-жадвал). Гўшт саноати илмий-тадқиқот институтининг маълумотига кўра, ўртадан паст семизликда бўлган молнинг бир килограмм гўштининг калориялиги 1214 ккал га тўғри келса, ўртадан юкори семизликда бўлган моллар гўштида 2856 ккал ни ташкил қилган.

Озиклантириш меъёрига караб, молларнинг семиришига сарф- ланган озикалар харажати ўзгаради. Ёш моллар жадал боқилса, тез ўсиб семиради, уларнинг танасида ёғнинг тўпланиши оддий озик- лантириш меъёрига нисбатан эртарок бошланади ва жадал ўтади. Маълумки, ёғ тўқималарини хосил қилишга мускулларга нисбатан озикалар кўпроқ харажат қилинади. Ш унинг учун моллар танасида





ёғ тўқималарининг кўп тўпланиш даврида уларнинг 1 килограмм семириши учун озикалар сарфи 10-12 фоизга ошади. Шунини ҳам айтиш керакки, ёш моллар паст меъёрда озиклантирилса, ўрта меъёрда озиклантирилганларга нисбатан 1 килограмм семириши учун озикалар 0,2-1,0 озика бирлигида ортиқча сарфланади.

Гўшт махсулдорлиги молларнинг озиклантириш хилига караб ўзгаради. Рацион таркибининг 70-80 фоизини хажмли озикалар — хашаки лавлаги, маккажўхори силоси, сенаж, кўк ўтлар ва дағал озикалар ташкил қилганда, улардаги озик моддалари яхши истеъмол қилинади. Бу озиклантириш хилида гўштнинг кимёвий таркиби қам ўзгаради.

Моллар концентратли озиклантириш хилида боқилганда гўштнинг таркибида ёғ миқдори кўпайиб, сув миқдори камаяди. Концентратли озиклантириш хили молларни тез етилувчан қилиб шакллантиради ва ички аъзоларда чарви ёғларининг жадал тўпланишини тезлатади. Айниқса, моллар бўрдоқиланганда чарви ёғларининг тўпланиши кучаяди. Бир йўла мускул толалари йўғофгашади, жамғарилаётган ёғ тўқималарининг миқдори шу даврда мускул тўқималариникига нисбатан юқори бўлиши мумкин. Бўрдоқиланган молларнинг семизлик даражаси, нимталари оғирлиги ва сўйим чикими кўтарилади. Бўрдоқиланган якунида моллар семириши билан гўшт нимталарининг морфологик таркиби ҳамда гўшт таркибидаги ёғ ва сув миқдори кескин ўзгаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кравченко Н.А. и др. Племенное дело в животноводстве. М., «Агропромиздат», 1987.
2. Левантин Д.Л. Теория и практика повышения мясной продуктивности в скотоводстве. М., «Колос», 1966.
3. Чижик И.А. Конституция и экстерьер сельскохозяйственных животных. М., «Колос», 1979.
4. Эцдригевич Е.В., Раевская В.В. Интерьер сельскохозяйственных животных. М., «Колос», 1978.
5. А.И.Смоилов. Санаториячиликда озиклардан унумли фойдаланиш. - Тошкент, «Ўзбекистон», 1981.
6. Интернет маълумотлари.
7. Матбуот саҳифалари.

